

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 1

**МАВЗУ: УМУМИЙ ОСТЕОЛОГИЯ. СКЕЛЕТ ҲАҚИДА
УМУМИЙ ТУШУНЧА. САТҲЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА.
СУЯКЛАРЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ. БОШЛАНҒИЧ
ТЕРМИНОЛОГИЯ. КЎКРАК УМУРТҚАЛАРИ. УЛАРНИНГ
БОЛАЛАРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

1-Амалий машғулоти. (2-маъруза)

Мавзу: Умумий остеология. Скелет ҳақида умумий тушунча. Сатҳлар ҳақида тушунча. Суякларларнинг тузилиши. Бошланғич терминология. Кўкрак умуртқалари. Уларнинг болалардаги хусусиятлари.

Машғулоти мақсади:

Талабаларга скелетнинг умумий тузилишини, сатҳларни, суякларни тузилишини ва кўкрак умуртқаларининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар:

1. Суякларнинг тузилишини ўрганиш
2. Умуртқаларнинг тузилишини ўрганиш
3. Кўкрак умуртқаларини тузилишини

Назарий қисм:

Талабаларга ўқитувчи скелетнинг қисмларини, сатҳларни, суякларни тузилишини ва кўкрак умуртқаларининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва болалардаги хусусиятларини тушунтириб, асосий белгиларини кўрсатиб беради.

Анатомия одам организмининг шакли ва тузилишини, ривожланиши қонунларни, бажарадиган вазифасини ташқи муҳит билан боғлиқ равишда ўрганади.

Скелет (грекча-sceletos) қуритилган сўзидан келиб чиққан бўлиб, 208 алоҳида суякларнинг йиғиндисидан иборат. У таянч, ҳаракат, ҳимоя ва биологик вазифаларини бажаради. Скелетда бош, тана, қўл ва оёқ қисмлари тафовут илинади.

Ҳар бир суяк таркибини 1/3 қисмини органик моддалар, 2/3 эса ноорганик моддалар ташкил этади. Ноорганик моддалар суякни қаттиқ (пишиқ) қилса, органик моддалари эластиклик қобилиятини ҳосил қилади. Суяклар ташқи томондан суяк усти парда (периост) билан қопланган.

Тузилиши жиҳатидан суяклар: найсимон, ғовак, ясси, аралаш ва ҳаво сакловчи (пневматик) суякларга бўлинади: Улар тузилиши, вазифаси ва тарққиёти билан фарқ қилади.

Анатомияни ўрганишда 3 та (сагиттал, фронтал ва горизонтал) сатҳлардан фойдаланилади:

Сагиттал сатҳ, юқоридан пастга, олдидан орқага ўтказилади. У танани ўнг ва чап бўлакка ажратади. Фронтал сатҳ юқоридан пастга пешонага паралел ўтказилади ва танани олдинги ва орқа қисмларга ажратади.

Горизонтал сатҳ фронтал ва сагиттал сатҳларга 90° бурчак ҳосил қилиб жойлашади ва у танани юқори ва пастки қисмларга ажратади.

Умуртқа поғонаси 33-34 умуртқалардан ҳосил бўлади. Унда 5 қисм тафовут қилинади: бўйин (7 та), кўкрак (12 та), бел (5 та), думғаза (5 та) ва дум (3-5 та) умуртқалардан иборат.

Умуртқа (vertebra) танаси, ёйи ва ўсимталардан иборат. Ёйи танасига оёқчалар воситасида бирикиб, умуртқа тешигини ҳосил қилади. Умуртқа ёйида орқага қараган тоқ қиррали ўсимтаси, жуфт кўндаланг, юқориғи ва пастки бўғим ўсимталари бор.

Кўкрак умуртқалари (vertebrae thoracicae) 12та. Уларнинг танаси пастга қараб катталашиб, тешиги эса кичиклашиб боради. Уларнинг танасида ва кўндаланг ўсимталарида қовурғалар бирикадиган қовурға чуқурчалари бор. I умуртқада I қовурға учун бутун, II қовурға учун ярим чуқурчаси бор. II-IX умуртқалар танасида ўнг ва чап юқориғи ва пастки ярим чуқурчалари бор. X умуртқада фақат юқориғи ярим чуқурча, XI-XII умуртқаларда эса биттадан бутун чуқурча бўлади. Кўкрак умуртқаларнинг қиррали ўсимталари узун ва уч қиррали бўлади.

Янги туғилган чакалоқ умуртқасининг кўп қисми тоғайдан иборат. 16-17 ёшда улар суякланиб бўлади, аммо кўндаланг, бўғим ва қиррали ўсимталарда қўшимча суяк нуқталари пайдо бўлади. Улар умуртқа билан 18-20 ёшда қўшилади.

Анатомия фанга кириш дарсида интерактив усул ишлатилмайди.

Тест саволлари

1. Суякларнинг эластиклиги нимага боғлиқ?

А. Суякка

Г. Суяк тараққиётига

Б. Ноорганик моддаларга

Д. Минерал тузларга

В. Оссеинга

2. Суякларнинг мустаҳкамлиги нимага боғлиқ?

А. Оссеинга

Г. Минерал тузларга

Б. Ёшга

Д. Тоғайга

В. Органик моддаларга

3. Суяклар нима ҳисобига энига ўсади.

А. эпифиз

Г. остеобластлар

Б. диафиз

Д. суяк пардани камбиал қавати

В. суяк пардани фиброз қавати

4. Суякнинг органик моддаси таркибида нималар бор?

А. хужайралараро модда

Г. коллаген ва эластик толалар

Б. остеокластлар

Д. остеобластлар

В. оссеин, хитин, мугуз модда

5. Суяк усти парда қандай қаватлардан иборат?

А. ташқи, ўрта, ички

Г. мушакли, қон томирли

Б.ташқи фиброз, ички камбиал Д.фиброз, эластик толали
В.бириктирувчи тўқимали, эластик толали

6.Найсимон суякларнинг қисмлари қайсилар?

А.боши, танаси, эпифизи Г.диафиз, эпифиз, учи
Б.боши, юқори ва пастки учлари Д.диафиз, метафиз, апофиз
В.диафиз, эпифиз, метафиз ва апофиз

7.Суюкларнинг қандай турлари бор?

А.узул ва қисқа Г.цилиндрсимон, кенг, қисқа
Б.қисқа, кенг ва ясси Д.найсимон, ясси, аралаш
В.цилиндрсимон ва ясси

8.Суюкларнинг узунлигига ўсиши нима ҳисобига бўлади?

А.эпифиз, тоғай Г.суюк усти пардаси
Б.диафиз Д.диафиз, тоғай
В.метаэпифизар тоғай

9.Умurtқаларнинг қисмлари қайсилар?

А.caput, corpus Г.caput, arcus
Б.fossa, corpus Д.arcus, fossa
В.arcus, corpus

10.Кўкрак умurtқалари бошқа умurtқалардан нима билан фарқланади?

А.dens Г.arcus
Б.arcus anterior Д.processus accesorius
В.fovea costalis

Топшириқлар:

1.скелетнинг қисмларини, сатҳларни, суюкларни тузилишини ва кўкрак умurtқаларининг қисмларини ўзбекча ва латинча номларини билиш.

2.скелетнинг қисмларини, сатҳларни, суюкларни тузилишини ва кўкрак умurtқаларининг асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3.суюкларнинг тузилишини ва кўкрак умurtқаларининг болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи кўкрак умurtқаси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба скелетнинг қисмларини, сатҳларни, суякларни тузилишини ва кўкрак умуртқаларининг қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг одамдаги аҳамиятини тушунтира олса. Уларнинг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба скелетнинг қисмларини, сатҳларни, суякларни тузилишини ва кўкрак умуртқаларининг қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг одамдаги аҳамиятини тушунтира олса.
55-70	Қониқарли	Талаба скелетнинг қисмлари, сатҳлар, суякларни тузилиши ва кўкрак умуртқалари нинг қисмлари тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	Қониқарсиз	Талаба скелетнинг қисмлари, сатҳлар, суякларни тузилишини ва кўкрак умуртқалари нинг қисмлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

- 1.Суякнинг қандай турлари бор?
- 2.Скелет нимади ва қандай қисмлардан иборат?
- 3.Суякларнинг таркиби нимадан ташкил топган?
- 4.Суякларнинг тузилиши қандай?
- 5.Суяк усти пардаси қандай тузилган?
- 6.Болалар суягининг тузилиши қандай?
- 7.Қандай сатҳлар тафовут қилинади?
- 8.Анатомик терминология нима?
- 9.Умуртқаларнинг умумий тузилиши қандай?
- 10.Умуртқаларнинг болалардаги хусусиятлари қандай?
- 11.Кўкрак умуртқаларининг тузилиши қандай?

Машғулотнинг таъминланиши.

Скелет, алоҳида суяклар, суякнинг кесмаси, умуртқа поғонаси, кўкрак умуртқалари.